

ОҒИР ЖУДОЛИК



15:20 / 03.05.2025 1787

Юртимизнинг беназир алломаси, фақиҳи, Фарғона вилояти Қўқон шаҳар «Саодат» жомеъ масжидининг имом-хатиби, устоз Иброҳимжон домла Қодиров фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилдилар.

Шу муносабат билан «Hilol Nashr» нашриёт матбааси ва Islom.uz портали жамоаси устознинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, сафдошлари ва шогирдларига самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло умрини дин хизматига бағишлаган устознинг машаққатли ва шарафли меҳнатларини, барча солиҳ амалларини ўзларига садақай жория қилиб, раҳматига буркасин, мағфиратига олсин, аҳли илмларга, илмига амал қилган уламоларга ваъда қилган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айласин!

Ушбу оғир жудолик дамларида марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

Жаноза намози 2025 йил 3 май куни шом намозидан кейин Қўқон шаҳридаги «Саодат» жомеъ масжидида ўқилади.